

2026 йил «__» июль

**Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясида
коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича
ЙЎЛ ХАРИТАСИ**

Ижро даври: 2026 йил июль – 2027 йил май

I. Умумий асос ва мақсад

Мазкур Йўл харитаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 8 июндаги ПФ–106-сон Фармонида белгиланган вазифалар, Академия фаолиятида ташқи ва ички коррупциявий хавф-хатарлар бўйича таҳлилий маълумотнома, миллий коррупцияга қарши қонунчилик ҳамда ISO 37001 коррупцияга қарши менежмент тизими талаблари асосида ишлаб чиқилди.

Йўл харитасининг асосий мақсади — Академияда коррупциявий хавфларни эрта аниқлаш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш, ички назорат ва комплаенс тизимини мустаҳкамлаш, очиқлик ва ҳисобдорликни кучайтириш ҳамда 2027 йил 1 июнга қадар ISO 37001 сертификатини олишга тайёргарликни тизимли ташкил этишдан иборат.

Устувор хавфли йўналишлар сифатида қабул ва баҳолаш жараёнлари, тест материаллари ва электрон тизимлар хавфсизлиги, давлат харидлари ва шартномалар ижроси, кадрлар билан ишлаш, илмий тадқиқотлар, халқаро ҳамкорлик, хизмат сафарлари ва судларда иштирок этиш жараёнлари белгиланди.

II. Ижро принциплари

- рискка асосланган ёндашув ва ҳар бир жараён бўйича аниқ назорат нуқталарини белгилаш;
- манфаатлар тўқнашувини олдиндан декларация қилиш ва уни бошқариш;
- қабул, баҳолаш, харид, кадрлар ва суд ишлари бўйича электрон аудит изини шакллантириш;
- қарорларни коллегиял, асослантирилган ва ҳужжатлаштирилган тарзда қабул қилиш;
- ички аудит, комплаенс мониторинги ва раҳбарият кўриб чикувини мунтазам ўтказиш;
- ходимлар ва комиссия аъзолари учун доимий ўқувлар ташкил этиш.

III. Биринчи босқич: ташкилий-комплаенс инфратузилмасини шакллантириш

№	Йўналиш	Чора-тадбирлар мазмуни	Муддат	Масъул ижрочилар	Кутилаётган натижа / индикатор
1	Ташкилий бошқарув	ISO 37001 жорий этиш бўйича ишчи гуруҳ ва лойиҳа офисини ташкил этиш; ваколат, масъулият ва ҳисобдорликни буйруқ билан белгилаш.	2026 йил июль	Ректор, проректор, Комплаенс бўйича масъул шахс	Ишчи гуруҳ таркиби, иш режаси ва масъуллар матрицаси тасдиқланади.

№	Йўналиш	Чора-тадбирлар мазмуни	Муддат	Масъул ижрочилар	Кутилаётган натижа / индикатор
2	Комплаенс тизими	Коррупцияга қарши сиёсат, манфаатлар тўқнашуви бошқариш, совғалар ва меҳмондўстлик, хабар бериш, хизмат текшируви, харидлар ва учинчи томонлар билан ишлаш тартибларини ишлаб чиқиш/янгилаш.	2026 йил июль–август	Комплаенс назорати хизмати, кадрлар бўлими, бухгалтерия	ISO 37001 талабларига мос ички ҳужжатлар пакети тасдиқланади.
3	Хавфлар реестри	Академия фаолиятининг барча йўналишлари бўйича ягона коррупциявий хавфлар реестри ва риск харитасини шакллантириш.	2026 йил август	Комплаенс назорати хизмати, барча таркибий бўлинмалар	Хавфлар реестрида риск даражаси, назорат чораси, масъул ва қайта баҳолаш муддати акс эттирилади.
4	Ички назорат	Юқори ва ўрта riskли жараёнлар бўйича чек-листлар, назорат нуқталари ва қарорларни ҳужжатлаштириш талабларини белгилаш.	2026 йил август–сентябрь	Кадрлар бўлими, таркибий бўлинмалар	Нazorат чек-листлари амалиётга киритилади ва аудитда қўлланилади.
5	Хабар бериш каналлари	Коррупция ҳақида хабар бериш учун ишонч телефони, махсус электрон почта, Telegram-бот ва аноним мурожаат каналини ишга тушириш; мурожаатларни кўриб чиқиш регламентини белгилаш.	2026 йил август	Комплаенс назорати хизмати, Ахборот хизмати, IT бўлими	Каналлар ишга тушади, мурожаатлар ягона журналда қайд этилади.
6	Ўқитиш ва коммуникация	Барча ходимлар, комиссия аъзолари ва раҳбарлар учун коррупцияга қарши сиёсат, ISO 37001, манфаатлар тўқнашуви ва ахлоқ қоидалари бўйича мажбурий ўқувлар ташкил этиш.	2026 йил сентябрь; кейин ҳар чорак	Кадрлар бўлими, COMPLAENCS назорати хизмати, Ўқув-услубий бўлим	Ходимларнинг камида 95 фоизи ўқитилади; тест натижалари ва иштирок реестри юритилади.
7	Электрон аудит изи	Баҳолаш, қабул, кадрлар, харидлар, шартномалар ва суд ишлари бўйича электрон амалларни журналлаштириш (audit trail) талабини жорий этиш.	2026 йил сентябрь–декабрь	IT бўлими, COMPLAENCS назорати хизмати, бухгалтерия, кадрлар, ўқув бўлимлари	Асосий жараёнларда ким, қачон ва қандай ўзгартиш киритгани автоматик қайд этилади.

IV. Иккинчи босқич: функционал йўналишлар бўйича хавфларни камайтириш чоралари

№	Йўналиш	Чора-тадбирлар мазмуни	Муддат	Масъул ижрочилар	Кутилаётган натижа / индикатор
1	Касбий қайта тайёрлашга қабул	Қабул комиссияси, иншо текширувчилари ва суҳбат комиссияси аъзоларидан ҳар бир қабул мавсуми олдида манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслиги тўғрисида декларация олиш.	Ҳар бир қабул мавсуми олдида	Қабул комиссияси, кадрлар бўлими, комплаенс назорати хизмати	Декларациялар тўлиқ йиғилади; манфаатлар тўқнашуви бўйича рад этиш/четлаштириш ҳолатлари қайд этилади.
2	Қабул жараёнлари	Имтиҳон материаллари билан ишловчи шахслар учун махфийлик мажбуриятини белгилаш, тест/иншо материалларига кириш ҳуқуқини чеклаш ва кириш журнални юритиш.	2026 йил август–сентябрь	Қабул комиссияси, IT бўлими, COMPLAENCS назорати хизмати	Махфийлик мажбуриятлари имзоланади; кириш журналлари ички аудитга тақдим этилади.
3	Суҳбат ва иншо баҳолаш	Суҳбатда ҳар бир баллини электрон баҳолаш варақаси орқали асослаш; иншо ва ёзма ишларни анонимлаштириш ҳамда икки мустақил баҳоловчи амалиётини босқичма-босқич жорий этиш.	2026 йил сентябрь–ноябрь	Ўқув-услубий бўлим, қабул комиссияси, IT бўлими	Электрон баҳолаш варақалари ва баҳоловчилар хулосалари архивда сақланади.

№	Йўналиш	Чора-тадбирлар мазмуни	Муддат	Масъул ижрочилар	Кутилаётган натижа / индикатор
4	Магистратурага қабул	Қабул параметрлари, комиссия таркиби, имтиҳон дастурлари ва натижаларни расмий сайтда белгиланган муддатларда эълон қилиш; рейтингдан ташқари қабул қилишга йўл қўймаслик бўйича автоматик назорат ўрнатиш.	2026 йил қабул мавсумида	Магистратура бўлими, қабул комиссияси, Ахборот хизмати	Эълонлар ва рейтинглар очик жойлаштирилади; қабул фақат рейтинг асосида амалга оширилади.
5	Апелляция	Қабул, имтиҳон ва баҳолашга оид апелляция йиғилишларини аудио ёки видео қайд этиш, мустақил эксперт жалб қилиш имкониятини назарда тутиш.	2026 йил сентябрьдан	Апелляция комиссияси, Комплаенс назорати хизмати	Апелляция материаллари электрон архивда сақланади; қарорлар асослантирилади.
6	Илмий тадқиқотлар	Докторантура, таянч докторантура ва мустақил изланувчиликка қабул, мониторинг ва ҳисоботларни тўлиқ электронлаштириш; илмий раҳбарларни юклама ва натижадорлик рейтинги асосида тақсимлаш механизмларини ишлаб чиқиш.	2026 йил сентябрь–декабрь	Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлими, ИТ бўлими, Илмий кенгаш	Электрон мониторинг тизими ва илмий раҳбарлар рейтинги амалиётга киритилади.
7	Академик ҳалоллик	Диссертациялар, мақолалар, ўқув адабиётлари ва малакавий ишлар учун плагиатни текшириш, сунъий интеллектдан фойдаланиш чегаралари ва иктибос стандартларини мажбурий тартибда белгилаш.	2026 йил сентябрь–октябрь	Академик ҳалоллик ва этик юксалиш кенгаши, Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлими	Ҳар бир иш бўйича текширув ҳисоботи шакллантирилади; камчиликлар қайтариш/тузатиш реестри юритилади.
8	Малакавий имтиҳон ва илмий кенгашлар	Малакавий имтиҳонлар, илмий семинарлар ва диссертация муҳокамаларини аудио-видео қайд этиш; илмий раҳбарлар, тақризчилар ва экспертлардан манфаатлар тўқнашувини декларациясини олиш.	2026 йил октябрьдан	Илмий кенгаш котибияти, Илмий бўлим, Комплаенс назорати хизмати	Йиғилиш ёзувлари ва декларациялар электрон архивда сақланади.
9	Ўқув жараёни ва баҳолаш	Жорий, оралиқ ва якуний баҳоларнинг ҳар қандай ўзгаришини audit trail орқали қайд этиш; оғзаки имтиҳонларни мажбурий аудио-видео ёзув асосида ўтказиш.	2026 йил октябрь–декабрь	Ўқув-услубий бўлим, ИТ бўлими, Комплаенс назорати хизмати	Баҳолар ўзгариши журнали ва имтиҳон ёзувлари шакллантирилади.
10	Тестлар банки хавфсизлиги	Тест саволлари банкига киришни роль ва ваколат бўйича чеклаш, кўп босқичли ахборот хавфсизлиги ва кибергаудитни мунтазам ўтказиш.	2026 йил октябрь–декабрь; кейин ҳар ярим йилда	ИТ бўлими, Ўқув-услубий бўлим	Кириш ҳуқуқлари матрицаси, кибергаудит далолатномаси ва бартараф этиш режаси мавжуд бўлади.
11	Сертификатлар	Малака ошириш ва бошқа ўқув курслари сертификатларини QR-кодли электрон реестр орқали текшириш имкониятини яратиш.	2026 йил ноябрь–декабрь	Ўқув-услубий бўлим, ИТ бўлими	QR-кодли сертификатлар ва текшириш саҳифаси ишга тушади.
12	Молия ва давлат харидлари	Ҳар бир харид бўйича коррупциявий хавфни олдиндан баҳолаш, харид комиссияси аъзоларидан декларация олиш ва техник топшириқларни мустақил эксперт хулосаси асосида тасдиқлаш тартибини жорий этиш.	2026 йил август–октябрь	Бухгалтерия, харид комиссияси, Комплаенс назорати хизмати	Харид риск-карталари, декларациялар ва эксперт хулосалари ҳужжатлар тўпламига киритилади.

№	Йўналиш	Чора-тадбирлар мазмуни	Муддат	Масъул ижрочилар	Кутилаётган натижа / индикатор
13	Бозор нархи мониторинги	Йирик харидлар бўйича камида учта мустақил бозор нархи мониторингини ўтказиш ва бошланғич нархни асослаш тартибини белгилаш.	2026 йил сентябрдан доимий	Бухгалтерия, харид комиссияси	Нарх мониторинги далолатномаси ҳар бир йирик харидга илова қилинади.
14	Товар ва хизматларни қабул қилиш	Товарлар, ишлар ва хизматларни қабул қилишда фото/видео қайд, техник мувофиқлик далолатномаси ва масъул комиссия хулосасини мажбурийлаштириш.	2026 йил сентябрь–ноябрь	Бухгалтерия	Қабул қилиш далолатномалари далиллар билан тўлдирилади; сифат бўйича даъволар реестри юритилади.
15	Шартномалар ижроси	Барча шартномалар, тўловлар, муддатлар ва ижро натижаларини акс эттирувчи электрон мониторинг реестрини юритиш.	2026 йил октябрь–декабрь	Бухгалтерия, ИТ бўлими	Шартномалар ижроси муддатлар кесимида рақамли назоратга олинади.
16	ИТ ва веб-лойиҳалар	ИТ хизматлари, веб-сайт, ахборот тизимлари ва рақамли ечимлар бўйича мустақил техник аудит ўтказиш амалиётини жорий этиш.	2026 йил ноябрдан	ИТ бўлими, бухгалтерия, мустақил экспертлар	Техник аудит хулосаси қабул қилиш далолатномасига асос бўлади.
17	Асосий воситалар	Асосий воситаларни йилда камида икки марта инвентаризация қилиш, ҳисобдан чиқариш бўйича шаффоф чек-лист ва фотофиксация тартибини белгилаш.	2026 йил октябрь; 2027 йил апрель	Бухгалтерия, моддий жавобгарлар, ички аудит	Инвентаризация далолатномалари ва ҳисобдан чиқариш асослари электрон архивда сақланади.
18	Хизмат сафарлари, устамалар, стипендиялар	Хизмат сафарлари, мукофот ва устамалар, стипендияларни тайинлаш бўйича аниқ мезонлар ва автоматлаштирилган ҳисоб-китоб тизимини жорий этиш.	2026 йил октябрь–декабрь	Кадрлар, Бухгалтерия, бухгалтерия, Комплаенс хизмати	Тўловлар мезонлар асосида расмийлаштирилади; истисно ҳолатлар алоҳида асослантирилади.
19	Кадрлар билан ишлаш	Ишга қабул қилиш, аттестация ва лавозимга тайинлашда ягона балл тизими, электрон баҳолаш варақалари ва манфаатлар тўкнашуви декларацияларини жорий этиш.	2026 йил сентябрь–ноябрь	Кадрлар бўлими, танлов/аттестация комиссиялари, Комплаенс хизмати	Ҳар бир номзод бўйича баҳолаш варақаси ва қарор асослари электрон архивда сақланади.
20	Интизомий чоралар ва хизмат текширувлари	Хизмат текширувлари, интизомий чоралар ва меҳнат шартномасини бекор қилиш бўйича ягона SOP, чек-лист ва электрон реестр жорий этиш.	2026 йил октябрь–ноябрь	Кадрлар бўлими, Комплаенс назорати хизмати	Қарорлар ягона тартибда ҳужжатлаштирилади; субъектив ёндашув хавфи камаюди.
21	Халқаро ҳамкорлик	Хорижий хизмат сафарлари учун номзодларни танлашнинг баллга асосланган очиқ рейтинг тизимини жорий этиш; иштирокчиларни танлаш қарорларини коллегиал тартибда расмийлаштириш.	2026 йил август–октябрь	Халқаро ҳамкорлик бўлими, кадрлар, Комплаенс назорати хизмати	Хизмат сафарлари бўйича рейтинг, баённома ва асословчи ҳужжатлар шакллантирилади.
22	Грантлар ва халқаро лойиҳалар	Халқаро грантлар ва техник кўмак лойиҳалари бўйича лойиҳа паспорти, маблағлар ҳаракати, ижрочилар ва натижаларни акс эттирувчи электрон реестр юритиш.	2026 йил сентябрь–декабрь	Халқаро ҳамкорлик бўлими, Бухгалтерия, ички аудит	Грант маблағлари мақсадли сарфланиши ва ижро ҳолати электрон кузатилади.
23	Хорижий экспертлар ва меморандумлар	Хорижий экспертлар, ҳамкор ташкилотлар ва меморандумларни танлаш/ижросини баҳолаш мезонларини ички ҳужжат билан тасдиқлаш.	2026 йил октябрь–декабрь	Халқаро ҳамкорлик бўлими, Бухгалтерия	Эксперт/ҳамкор танлаш мезонлари ва меморандумлар ижроси мониторинги жорий этилади.
24	Судларда иштирок этиш	Академия иштирокидаги суд ишлари, ижро ҳужжатлари, муддатлар ва масъулларни қамраб олган ягона электрон реестр жорий этиш.	2026 йил август–октябрь	Комплаенс назорати хизмати, ИТ бўлими	Ҳар бир суд иши ва ижро ҳолати рақамли назоратга олинади.

№	Йўналиш	Чора-тадбирлар мазмуни	Муддат	Масъул ижрочилар	Кутилаётган натижа / индикатор
25	Кадр ва тингловчи низолари	Ишдан бўшатиш, аттестация, интизомий жазо ва тингловчиларни курсдан чиқаришга оид қарорларни чек-лист асосида тўлиқ ҳужжатлаштириш.	2026 йил сентябрдан доимий	Кадрлар, ўқув-услубий бўлим	Суд низоларида Академия позициясини асословчи ҳужжатлар тўлиқ шакллантирилади.

V. Учинчи босқич: мониторинг, қайта баҳолаш ва ISO 37001 сертификатлашга тайёргарлик

№	Йўналиш	Чора-тадбирлар мазмуни	Муддат	Масъул ижрочилар	Кутилаётган натижа / индикатор
1	Очиқлик ва ҳисобдорлик	Қабул, илмий тадқиқотлар, харидлар, халқаро ҳамкорлик, мурожаатлар ва ўқув жараёнлари бўйича умумлаштирилган очиқ статистик маълумотларни расмий веб-сайтда ҳар чоракда эълон қилиш.	2026 йил IV чоракдан	Ахборот хизмати, Комплаенс, барча бўлинмалар	Ҳар чоракда очиқ статистик маълумотлар тўплами жойлаштирилади.
2	Рискка асосланган ички аудит	Давлат харидлари, баҳолаш, қабул, кадрлар, халқаро ҳамкорлик ва суд ишлари бўйича рискка асосланган ички аудит дастурини тасдиқлаш ва амалга ошириш.	Дастур — 2026 йил август; аудит — ҳар чорак	Ички аудит, Комплаенс, ректор ҳузуридаги ишчи гуруҳ	Ҳар чоракда аудит ҳисоботи ва тузатувчи чоралар режаси тақдим этилади.
3	Тузатувчи чоралар	Аниқланган камчиликлар бўйича тузатувчи ва олдини олувчи чоралар (CAPA) реестрини юритиш, муддат ва масъулларни белгилаш.	2026 йил сентябрдан доимий	Комплаенс, ички аудит, бўлинма раҳбарлари	Ҳар бир камчилик бўйича бажарилиш ҳолати кузатилади ва ёпилиш далили сақланади.
4	Бошқарув таҳлили	ISO 37001 жорий этиш ҳолати, рисклар динамикаси, мурожаатлар ва аудит натижалари бўйича раҳбарият кўриб чиқувини ўтказиш.	Ҳар чорак; якуний — 2027 йил март	Ректор, ишчи гуруҳ, Комплаенс, ички аудит	Раҳбарият йиғилиши баённомалари ва қарорлари расмийлаштирилади.
5	Қайта баҳолаш	Коррупциявий хавфлар реестрини ҳар ярим йилда ва муҳим воқеалардан кейин қайта баҳолаш; риск даражаси ўзгарган жараёнлар учун кўшимча назорат белгилаш.	2026 йил декабрь; 2027 йил май	Комплаенс, ички аудит, барча бўлинмалар	Янгиланган риск харитаси ва реестр тасдиқланади.
6	Сертификатлашга тайёргарлик	ISO 37001 бўйича ички гар-таҳлил, ҳужжатлар тўлиқлиги аудити ва сертификатлаш олди тайёргарлик режасини амалга ошириш.	2027 йил январь–февраль	Ишчи гуруҳ, Комплаенс, ички аудит, ташқи маслаҳатчилар	Камчиликлар рўйхати ва бартараф этиш режаси тасдиқланади.
7	Ички аудит ва pre-audit	ISO 37001 талаблари бўйича якуний ички аудит ва pre-audit ўтказиш, номувофикликларни бартараф этиш.	2027 йил март–апрель	Ички аудит, Комплаенс, ишчи гуруҳ	Pre-audit ҳисоботи ва номувофикликлар ёпилганлиги ҳақида далиллар тайёрланади.
8	ISO 37001 сертификати	Сертификатлаш органини танлаш, ташқи аудитдан ўтиш ва 2027 йил 1 июнга қадар ISO 37001 сертификатини олиш бўйича якуний ташкилий чораларни амалга ошириш.	2027 йил апрель–май	Ректор, ишчи гуруҳ, Комплаенс, молия-хўжалик бўлими	Сертификатлаш аудити ўтказилади; сертификат олиш бўйича расмий натижага эришилади.

VI. Ижро мониторинги тартиби

Ҳар бир масъул таркибӣ бўлинма белгиланган чора-тадбирлар ижроси бўйича ҳар ойнинг 25-санасига қадар Комплаенс назорат хизмати бўйича масъул шахсга маълумот киритади.

Комплаенс бўйича масъул шахс ҳар ой якунида умумлаштирилган мониторинг жадвалини тайёрлаб, ректор ҳузуридаги ишчи гуруҳга тақдим этади.

Юқори рискли жараёнлар — давлат харидлари, қабул, баҳолаш, кадрлар, халқаро хизмат сафарлари ва суд ишлари бўйича ҳар чоракда ички аудит ёки танлама комплаенс текшируви ўтказилади.

Бажарилмаган ёки кечиктирилган чоралар бўйича масъул раҳбарлардан ёзма тушунтириш олинади ҳамда тузатувчи чоралар режаси белгиланади.

2027 йил май ойида Йўл харитаси ижроси бўйича якуний ҳисобот тайёрланиб, ISO 37001 сертификатлаш аудити учун асосий далиллар пакети шакллантирилади.

VII. Кутилаётган якуний натижалар

- Академияда коррупцияга қарши менежмент тизимининг ташкилий, ҳуқуқий ва амалий асослари шаклланади.
- Қабул, баҳолаш, харидлар, кадрлар, илмий тадқиқотлар, халқаро ҳамкорлик ва суд ишлари бўйича коррупциявий хавфлар реестри амалда ишлайди.
- Манфаатлар тўқнашувини бошқариш, хабар бериш каналлари, ички аудит, электрон аудит изи ва тузатувчи чоралар механизми амалиётга жорий этилади.
- Юқори рискли жараёнларда қарорларнинг шаффофлиги, асослантирилганлиги ва назорат қилиниш даражаси ошади.
- Академия 2027 йил 1 июнга қадар ISO 37001 коррупцияга қарши менежмент тизими сертификатини олиш учун зарур тайёргарликни яқунлайди.